

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАМИЛОВ ДАВРОН ЗАФАРОВИЧ

**СЕКУЛЯРЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ
ТАҲЛИЛИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

Камилов Даврон Зафарович

Секуляризация жараннинг ижтимоий-фалсафий таҳлили.....3

Камилов Даврон Зафарович

Социально-философский анализ процесса секуляризации25

Kamilov Davron Zafarovich

Socio-philosophical analysis of the process of secularization.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of works published51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАМИЛОВ ДАВРОН ЗАФАРОВИЧ

**СЕКУЛЯРЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ
ТАҲЛИЛИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Fal364 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кушасев Умиджон Рахимович
фалсафа фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Тўйчиев Бердикул Тўрақулович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Ёвқочев Шухрат Акмалович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «7» июль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (41 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил «25» июнь куни тарқатилди.
(2021 йил «25» июндаги 8 рақамли реестр баённомаси).



И.Эргашев,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

Г.М.Рузматова,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, фалсафа фанлари доктори, профессор

Г.Т.Махмудова,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ХХ асрдаги ижтимоий тараққиёт диннинг давлат бошқарувига таъсири сусайишига, яъни секуляризацияга таъсир этмоқда. Бироқ, дин шахслараро коммуникация, ижтимоий барқарорлик ва тартиб ўрнатишнинг ўзига хос воситаси сифатида ривожланмоқда. Европа ва Осиёнинг баъзи давлатларида дин давлат бошқарувида фаол иштирок этса, баъзиларида давлат ишларига аралашмасдан мустақил ривожланмоқда. Ҳар икки вазиятда ҳам дин аҳолининг эътиқод манбаи сифатида янги босқичга кўтарилмоқда. Шу боис, янгиланаётган дунёда секуляризациянинг жамият ривожига ижтимоий фалсафий жиҳатлари муҳим омил сифатида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунё илм-фанидаги назарий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, давлат ва дин муносабатларини тартибга солиш, секуляризация йўналишларини аниқлаш бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилган. Бугунги кунда эса илмий жамоатчилик томонидан дин ва давлат муносабатларини замонавий инсон ҳуқуқлари асосида тартибга солиш, секуляризация жараёнининг дунё динларига таъсирини тадқиқ этиш ва жамият ҳаётида дунёвийлик ва динийлик мутаносиблигини шакллантириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш заруратга айланмоқда. Шу нуқтаи назардан, секуляризацияни яхлит жараён сифатида сабаб ва оқибат, имконият ва воқелик сингари фалсафий категориялар асосида илмий тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда давлат ва дин муносабатларини демократик тамойиллар асосида тартибга солиш, диний маърифий соҳани янада такомиллаштириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш сўнги йилларда давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишига айланиб бормоқда. «Диний ва дунёвий билимлар уйғунлигини ривожлантириш асосида таълим сифатини ошириш, диний-маърифий соҳада малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг яхлит тизимини яратиш»¹ устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди; Шу боис, дунёвийлик ва динийлик тамойилларини тартибга солувчи секуляризациянинг мазмун-моҳияти, унинг давлат бошқаруви ва ижтимоий онга таъсирини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 19 майдаги «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5046-сон, 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3686277>

чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сон фармонлари, БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрдаги ялпи сессиясида қабул қилинган «Маърифат ва диний бағрикенглик» тўғрисидаги махсус резолюцияси, 2019 йил 8 апрелдаги «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий гоани ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ф-5465-сон фармойиши ва ушбу мавзуга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион гоалар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» дастури доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлатнинг динга, диннинг давлат бошқарувига таъсир даражасини аниқлашга доир гоалар барча даврларда олимларнинг илмий таҳлил объекти бўлган.

XX асрнинг иккинчи ярмида хориж давлатлари АҚШ ва Фарбий Европада Б.Петер, Т.Лукман, Д.Мартин, Б.Вилсон, К.Доблаер, Р.Старк, Ж.Казанова, Х.Кокс² ва бошқа тадқиқотчилар секуляризациянинг тарихи ва асосий тамойиллари, унинг христиан маданиятига таъсири, секуляр давлат ва дин муносабатларининг янги босқичини ўрганишга алоҳида эътибор қаратган.

Шарк давлатларида ҳам секуляризациянинг жамият ривожига таъсири муайян даражада таҳлил этилган. Жумладан, ливанлик С.Фарах христиан ва мусулмон жамиятларида секуляризация жараёнлари араб халқлари дунёқарашидаги дунёвий ва диний гоаларнинг мутаносиблигига таъсири³ни тадқиқ этган, бу эса, секуляризация дунё мамлакатларида кенг ривожланиб бораётганини тасдиқлайди. АҚШлик файласуф В.Бадер «Секуляризация ёки демократия?»⁴ асарида секуляризациянинг сиёсий аҳамияти ва унинг демократия билан алоқадорлигини асослаган. Инглиз олими В.Сафран бошчилигидаги муаллифлар жамоаси «Секуляризация ва мукаддаслаштириш: миллат, дин, сиёсат»⁵ мавзусидаги илмий лойиҳасида

² Peter L.B. The sacred canopy elements elements of a sociological theory of religion – New York: Doubleday & Company. 1967. – P. 126. Martin D. Towards eliminating the Concept of Secularisation. In: J. GOULD (Ed.): Penguin Survey of the Social Sciences. Harmondsworth 1965. – P. 358. Luckman T. The Invisible Religion: The problem of Religion in the Modern Society. NY., 1967. – P. 256. Wilson B.R. Religion in Secular Society: A Sociological Comment. L., 1966. 285. Dobbelaere K. Secularization: a multi-dimensional concept // Current Sociology. 1981. 170. Stark R. The Rise of Christianity: A sociologist Reconsiders History. – Princeton: Princeton University Press, 1996. – P. 270. Casanova J. Public Religions in the Modern World. Chicago, 1994. – P. 320. Koks X. The secular city: secularization and urbanization in theological perspective. – New-York, 1993. – P. 292.

³ Сухейль Ф. Секуляризация и религия в философско-общественной мысли Арабского Востока: диссертация ...доктора философских наук : 09.00.11.- Нижний Новгород, 2000. – С. 299.

⁴ Bader V. Secularism or democracy? Associational Governance of Religious Diversity. Amsterdam university press. – Amsterdam., 2007. – P. 286.

⁵ Safran W. The secular and the sacred: nation, religion, politics. –London: Franck Cass Publishers. 2005. – P. 247.

АҚШ, Буюк Британия, Франция, Испания, Польша, Греция ва Болкон давлатларидаги секуляришувни Туркия, Исроил ва Ҳиндистондаги жараёнлар билан қиёсий таҳлил этишган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги файласуф, сиёсатшунос, тарихчи олимлари секуляришув тарихини ўрганиш орқали ҳозирги даврда дин ва давлат муносабатлари барқарорлигининг ижтимоий аҳамиятини тадқиқ этишган. Хусусан, россиялик В.Курилов XX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган собиқ Иттифоқнинг секуляришув модели тарихини диншунослик фани доирасида тадқиқ этган⁶,бу, ўша даврдаги сиёсат ва дин муносабатларини, виждон эркинлиги таъминланиши ҳамда диний ташкилотлар фаолиятига берилган баҳодир. Шунингдек, Б. Ледвигз, Н.Байбатырова, Л.Интымакова, А.Эпштейн, А.Токарев секуляризациянинг диний, маданий, тарихий, фалсафий жиҳатларини очиқ беришган⁷. Шунингдек, дунёнинг илмий тадқиқот институтларида, хусусан, АҚШнинг «Жамият диний эътиқодларини тадқиқ этиш институти» (The Public Religion Research Institute (PRRI)), «Динларни тадқиқ этиш, иқтисод ва жамият илмий тадқиқот институти» (Institute for the Study of Religion, Economics and Society), Канаданинг «Бритиш Колумбия университети» (British Columbia Institute), Россиянинг «Замонавий жамиятда дин» тадқиқот маркази (Исследовательский Центр «Религия в современном обществе»)да диний эътиқоднинг йўналишлари, дунё аҳолисининг динга муносабатини ўрганиш бўйича монографиялар нашр этилган, халқаро конференциялар ўтказилган.

Марказий Осиё мамлакатларида ҳам секуляришув жараёни ва унинг минтақадаги ривожланиш хусусиятлари Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон олимлари томонидан ўрганилган. Хусусан, А.Хаджи Дарбисали «Қозоғистон Республикасида секуляризм ва ислом таъсирининг ортиб бориши, уларнинг тинчлик ва инсонпарварликни таъминлашдаги ўзаро ҳамкорлиги»⁸ни асослаган. Шунингдек, Д.Мусина Шарқ ва Ғарбдаги кўп конфессиялилиқ шароитида дунёвийликнинг устуворлиги⁹ни очиқ берган.

⁶ Курилов В. Советская модель секуляризации: политическое и правовое регулирование свободы совести в СССР (вторая половина XX века): религиоведческий анализ. Диссертация на соискание учёной степени кандидата философских наук. Специальность 09. 00.14. – Санкт-Петербург, 2018. – С. 198.

⁷ Bruce Ledewitz. Hallowed Secularism Theory, Belief, Practice. Palgrave Macmillan. –New York., 2009.–P. 211. Байбатырова Н. Отражение процессов исламизации и секуляризации турецкого общества в прессе // Вестник СПбГУ. 2010. № 9. Интымакова Л. Проблема мифологизации и секуляризации сознания в современном обществе // Научно-методический электронный журнал «Концепт». 2013. № 7. – С.36-40. А.Эпштейн. Секуляризация и ее пределы: самосознание и свобода совести в эпоху конфликта цивилизаций // Вестник МГТУ им. Шолохова. 2015. № 4. – С. 92-96. А.Токарев. секуляризация как социальная форма десакарализации и рационализации духовной жизни (западноевропейский контекст) : автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата философских наук. – Нижний Новгород, 2008. – С. 185.

⁸ Хаджи Дарбисали А. Секуляризм и ислам в Республике Казахстан: совместная деятельность, направленная на миротворчество и гуманизм // Современные модели развитие мусульманских стран. Секуляризация и ислам в современном государстве. Что их объединяет?: матер. меж. круг.стола / отв. ред. Б.К.Султанов, – Алматы: КИСИ при Президенте РК, 2007.– С. 107-125.

⁹ Мусина Д.Р. Концепция светскости в поликонфессиональном пространстве Востока и Запада: опыт религиоведческой компаративистики. Дисс. на соискание степени доктора философии (PhD). – Алматы: 2018.

3. Чотаев «Қирғизистонда дунёвийлик тамойили ва диний сиёсат»¹⁰ни асослаган. Шунингдек, А.Элебаева ва Н.Эсенаманова ҳаммуаллифликда дин омилнинг Қирғизистон Республикаси ижтимоий-сиёсий вазиятига таъсири, диний ва дунёвий радикализм салбий оқибатларининг олдини олишда дунёвийлик ва динийлик мутаносиблигини таъминлаш заруратини асослаганлар¹¹. Г.Абдирасулова, К.Мурзахалилов, К.Ажыбековалар «Дунёвийлик, секуляризм, динийлик: тарихий, ҳуқуқий ва фалсафий жиҳатлари»¹² монографиясида Марказий Осиё мамлакатлари ривожига секуляризациянинг таъсири, дунёвийликнинг диний кадрлар билан мутаносиблигининг тарихий, ҳуқуқий ва фалсафий жиҳатларини очиқ беришган. Тожикистонда Х.Рахнамо «Дунёвий ва диний кадрларнинг ягона макон ва замонда мавжуд бўлишининг сабаблари ва оқибатлари»¹³ни таҳлил қилган бўлса, К.Олимов «Миллий давлатчиликнинг шаклланишида дунёвий ва диний дунёқарашлар диалектикаси»¹⁴ мавзусида тадқиқот олиб борган. С.Ахмедов «Миллий давлатчиликда дунёвий ва диний элементларнинг уйғунлиги»¹⁵ни қиёсий таҳлил этган.

Ўзбекистон Республикасида давлат раҳбарининг маърузаларида давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар, фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш, дунёвий давлат шароитида диннинг ролини аниқ белгилаш, диний маърифатни юксалтиришга оид концептуал гоялар илгари сурилган ва тизимли фаолият ташкил этилган. Шунингдек, Ўзбекистон мустақилликдан сўнг дунёвийлик ва динийлик мутаносиблиги ва фарқларини асослашга оид монографиялар, мақолалар нашр этилган, илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, Ш.Ёвқочев араб мамлакатларидаги дин ва сиёсат муносабатларини¹⁶, Т.Карим дунёвийлик фалсафасининг диний билимлар билан ўзаро алоқадорлигини¹⁷, Х.Кароматов ислом фундаментализми ва унинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини¹⁸ очиқ берган, У.Кушаев жаҳон динлари-

¹⁰ Чотаев З. Принцип светскости и религиозная политика в Кыргызстане // *Alatoo academic studies*. 2015. № 4. – С. 11-19.

¹¹ См.: Элебаева А.Б. и др. Влияние религиозного фактора на социально-политическую ситуацию в Кыргызской Республике. – Бишкек: ОсОО «Триада Принт», 2016. – 205 с.

¹² См.: светскость, секуляризм, религиозность: исторические, юридические и философско-мировоззренческие аспекты. / Под ред. Е.С. Элбакян – Бишкек, 2020 г. – 246 с.

¹³ Х.Рахнамо. О сосуществовании светского и религиозного в Таджикистане // Зайферт А., Крайкемайер А. О совместимости политического ислама и безопасности в пространстве ОБСЕ. – Душанбе: Шаркд Озод, 2003. С. 141-167.

¹⁴ Олимов К. Диалектика светского и религиозного мировоззрения в условиях построения национального государства // Построение доверия между исламистами и секуляристами – таджикский эксперимент. – Душанбе, 2004. С. 65-78.

¹⁵ Ахмедов С. Светские и религиозные элементы в национальном государстве // Построение доверия между исламистами и секуляристами — таджикский эксперимент. – Душанбе, 2004. – С. 88 - 108.

¹⁶ Ёвқочев Ш.А. Политизация религии и проблема религиозного экстремизма. Автореф. дисс. ... канд. полит. наук. – Ташкент: 1993;

¹⁷ Карим Т. Дунёвийлик фалсафаси. Тўплам, – Тошкент: Чўлпон, 2007. – Б. 28.

¹⁸ Кароматов Х.С. Ислам фундаментализми ва унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти: Фал. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент: 1999.

даги бағрикенглик гоёларининг уйғунлиги,¹⁹ К.Комилов глобаллашув ва диний жараёнларнинг ривожланиши²⁰ мавзуларида илмий тадқиқот ишларини ҳимоя қилганлар.

Диссертациянинг моҳиятига оид илмий ишлар, хусусан, XX-XXI асрларда хориж ва республика олимлари илмий тадқиқот ишларининг таҳлили натижасида инсоният тараккиётида дин ва давлат муносабатларида ўзаро яқинлашув ва йироклашув даврлари сиёсий-ижтимоий, мафкуравий омиллар билан боғлиқ ҳолда шахс камолотига таъсир этганлиги аниқланган. Бирок, бу илмий ишларда секулярлашув жараёни илмий тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаганлиги боис, ушбу диссертацияда диний ва дунёвий мафкуралар диалоги, секулярлашув жараёнининг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини таҳлил этишга ҳаракат қилинган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат транспорт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОФ-03. «Ҳаракатлар стратегияси контекстида умуминсоний ва миллий кадриятлар уйғунлиги ва ижтимоий барқарорлик» номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган (2020-2021 й.).

Тадқиқотнинг мақсади секулярлашув жараёнининг ижтимоий-тарихий моҳияти ҳамда ривожланишининг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

секулярлашув жараёни таъсирида диний конфессияларнинг инсон ҳуқуқлари, виждон эркинлиги, динлараро мулоқотни такомиллаштиришга оид фаолиятининг дунёвий муносабатлар меъёрларига мослашаётганлигини диний ташкилотлар доирасида қабул қилган декларациялар асосида исботлаш;

секулярлашув дунёвийлик ва динийлик мутаносиблигини таъминлаш, шахслараро мулоқот эркинлигига амал қилишнинг умумий меъёри эканлигини очиқ бериш;

дунёвийлик ижтимоий ҳаётда динга бўлган эътиқод ва амалиётни демократик қонунлар асосида ривожланиб боришини таъминловчи, давлат бошқаруви даражасидаги ортга қайтмайдиган барқарор жараён эканлигини асослаш;

секулярлашув жамиятнинг диний эътиқодга бўлган муносабатини либераллаштириш, ижтимоий онгда хурфикрлилик, рационал тафаккурни юксалтириш учун хизмат қилувчи омил, дунёвий жамият тартибининг мезонларидан бири ҳамда диний маҳдудлик ва мутаассиблик профилактикасининг таъсирчан воситаси эканлигини асослашдан иборат.

¹⁹ Кушаев У.Р. Жаҳон динларида бағрикенглик гоёларининг уйғунлиги. – Фал. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент: 2017.

²⁰ Комилов К. Глобаллашув ва диний жараёнлар. – Тошкент: Мовороуннаҳр, 2014. – 128 б.

Тадқиқотнинг объекти сифатида секуляризация жараёнини ижтимоий фалсафий таҳлил этиш танланган.

Тадқиқотнинг предметини секуляришувнинг давлат бошқаруви ва диний ташкилотлар фаолиятига таъсир этиш жараёни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ўзаро умумий алоқадорлик, ворисийлик, тарихийлик тамойиллари, қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, мантикийлик усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

секуляришув жараёни таъсирида диний конфессиялар томонидан умуминсоний тамойиллар асосида замонавий инсон ҳуқуқ ва эркинликлари эътироф этилаётганлиги натижасида буддавий, христиан, мусулмон жамиятларида виждон эркинлиги ҳамда динлараро мулоқот кадриятга айланиб бораётгани асосланган;

секуляришув демократик жамиятнинг асосий талабларидан бири эканлиги ҳамда дунёвийлик ва динийлик мутаносиблигини таъминловчи, улар ўртасидаги муносабатларнинг катъий чегарасини белгилаб берувчи асосий омил эканлиги очиқ берилган;

дунёвийлик ижтимоий ҳаётда динга бўлган эътиқод ва амалиётни демократик қонунлар асосида ривожланиб боришини таъминловчи, давлат бошқаруви даражасидаги ортга қайтмайдиган барқарор жараён эканлиги исботланган;

секуляришув ижтимоий онгда ҳурфикрлилик, рационал тафаккурни юксалтириш учун хизмат қилувчи омил, дунёвий жамият тартибининг мезонларидан бири ҳамда диний маҳдудлик ва мутаассиблик профилактикасининг таъсирчан воситаси эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

давлат бошқарувида диний ташкилотлар фаолиятига инновацион ёндашувнинг секуляришув жараёнлари жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш омили эканлиги асосланган;

Ўзбекистонда виждон эркинлигига амал қилишнинг жамият, давлат ва шахс муносабатларида консессуага эришиш воситаси эканлиги асосланган, уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналлар ва конференцияларда чоп этилган мақолалар мазмуни, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда илгари сурилган таклифлардан дунёвий ва диний дунёқараш тарихига оид илмий тадқиқот ишларида, Ўзбекистонда диний таълимни ривожлантиришга йўналтирилган илмий

лойхаларда, секуляризациянинг моҳияти очиб берилган монографиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундаги назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Республика Маънавият ва маърифат марказининг вилоят ва туман бўлимлари, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва унинг жойлардаги бўлимларида турли семинар-тренинглар ташкил этишда ва диний-маърифий маърузаларда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Секуляризация жараёнининг ижтимоий-фалсафий таҳлили бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

секуляризация жараёни таъсирида диний конфессияларнинг инсон ҳуқуқлари, виждон эркинлиги, динлараро мулоқотни такомиллаштиришга йўналган фаолияти дунёвий муносабатлар меъёрларига мослашаётганлиги натижаси эканлигига оид хулоса, амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сонли буйруғи асосида нашрга тавсия этилган «Диншунослик» ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 сентябрдаги 89-03-3569-сон маълумотномаси). Натижалар талабаларнинг динийлик ва дунёвийлик мутаносиблиги борасидаги билимларини янада кенгайтиришга хизмат қилган;

секуляризация жараёни дунёвий ва диний билимлар мутаносиблигини таъминлаш, улардан ижтимоий ҳаётда фойдаланиш, шахслараро мулоқотда ихтиёр эркинлигига амал қилишнинг меъёри эканлигига оид гоялардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 892-сонли буйруғи асосида нашр этилган «Фалсафа» дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 сентябрдаги 89-03-3569-сон маълумотномаси). Натижалар талабалар диний таълимларнинг инсон дунёқараши ва руҳиятига таъсирига доир билимларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

давлат бошқаруви даражасидаги объектив секуляризация ва индивидуал онг даражасидаги субъектив секуляризациянинг ўзаро алоқадорлиги аҳолининг динга эътиқод қилиш учун яратилаётган шароитларда намоён бўлганлигига оид хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар агентлигининг республика талаба ёшлари учун «Дунёвийлик даҳрийлик эмас» ўқув услубий қўлланмасини тайёрлаш, «Бу азиз ватан барчамизники» мавзусидаги фестиваллар ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар агентлигининг 2020 йил 3 октябрдаги 01/4-13-23-340-сон маълумотномаси). Натижалар ёшларда ахборот истеъмолчи маданияти ва

миллий гурур туйгусини шакллантириш, диний-маърифий саводхонлигини оширишга хизмат қилган;

секуляришув жараёнининг фалсафий таҳлили асосида диний эътиқод либераллашганлиги, виждон эркинлиги умуминсоний кадриятга айланганлиги исботланганлиги, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг аҳолини ижтимоий дунёқараш йўналишларини, диннинг жамиятдаги ўрнини аниқлашга оид ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 2 октябрдаги 4981-сон маълумотномаси). Натижалар Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириш маркази ва унинг минтақавий филиалларида малака ошириш курслари учун тайёрланган «Диншунослик» фани бўйича ўқув қўлланмасида секуляришув жараёнининг моҳиятини очиқ беришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (хусусан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 133 бетни ташкил этади.

Муаллиф, фалсафа фанлари доктори, профессорлар Нигина Шермухамедова ва Жуманиез Рамаатовга тадқиқот ишини тайёрлашда берган илмий маслаҳати учун чуқур миннатдорлик билдиради.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишларнинг сони, тадқиқотнинг тузилиши асосланган.

Диссертациянинг «**Секуляризация моҳиятини тадқиқ этишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари**» деб номланган I бобида «секуляризация»

тушунчасининг маъноси, унинг шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий-тарихий шароитлар, динийлик ва дунёвийлик мутаносиблигини таъминлашнинг аҳамияти очиб берилган.

Муаллиф турли даврларда яшаб ижод этган олимларнинг «секуляризация» тушунчасига берган таърифларини қиёсий таҳлил этган. Масалан, Сайид Мухаммад Накиб фикрича, «секуляр» тушунчаси лотинча «saeculum» сўзидан келиб чиққан бўлиб, макон ва замонга мос икки мазмунга эга, макон нуктаи назаридан «дунё» ёки «дунёвий», «замонавий ҳодиса», замонда эса, «ҳозир»²¹ мазмунини билдиради. Муаллиф фикрича, бундай нуктаи назар, секуляризация объектив тарихий жараён сифатида диндан мустақил равишда макон ва замон билан шартланган дунёвий ҳаёт ва фикрлаш тарзини ифодалайди, унда ҳодисанинг структуравий - функционал жиҳатлари эътиборга олинмаган. О.Богданованинг «Секуляризация – дунёвий, айти пайтда, диний бўлмаган, черков таъсиридан озод ҳодиса, дастлаб бу тушунча ер, мулк ва ҳокимиятни черков ва ибодатхоналардан олиб қўйиш жараёнига нисбатан қўлланилган»²², деган фикрида филологик ёндашув устувор. Ўзбек, инглиз, араб ва рус тилидаги “Фалсафа” лугатларида тушунчага берилган таърифларнинг таснифи асосида, муаллиф: “Секуляризация” ижтимоий, сиёсий жараёнларни ўзида намоён этувчи кундалик маданий эҳтиёж сифатида жамиятда диний ақида ва амалиёт аҳамиятининг камайишини, шунингдек, давлат сиёсати даражасида динийлик ва дунёвийлик муносабатидаги мувозанатни англатади, деган хулосага келган. Тадқиқотчи фикрича, «Секуляризация – анънавий ижтимоий тизимни модернизациялаш орқали ҳар қандай ақидавий яқка ҳокимликка барҳам бериш, хурфикрликнинг устуворлигини таъминлашга йўналган сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий ислохотлар мажмуи». Шу нуктаи назардан, диссертант секуляризация диннинг ижтимоий институт сифатида жамият ҳаётидаги аҳамияти ва ўрнини фалсафанинг карама-қаршиликлар бирлиги ва кураши, микдор ва сифат ўзгаришлари, инкорни инкор қонунлари доирасида таснифлаган. Секулярлашув давлат бошқарувида диний ақидаларнинг устувор ҳуқуққа эга бўлмасида, фикр ва эътиқод плурализминини таъминлаш жараёни эканини асослаган.

Муаллиф фикрича, дин инсоният тараккиётининг муайян даврида шаклланган ижтимоий муносабатлар жараёнида одамларнинг маънавий эҳтиёжларига жавоб сифатида пайдо бўлган, жамиятда аҳолини бошқариш, ҳулқ-атворини тарбиялаш вазифасини бажарган. Шу нуктаи назардан, диссертацияда секулярлашув жараёнининг уч босқичи асосланган. Биринчи босқич Уйғониш давридаги католицизм ва православлик диний йўналишларининг мусулмонларга қарши кураш учун қисқа муддатли

²¹ Naquib at-Attas. Islam and secularism. – Kuala Lumpur: Art Printing Work Sdn.Bhd., 1993. 15 p.

²² Богданова О.А. Процесс секуляризация и кризис личности в западной культуре XX века: Монография. – Ростов-н/Дону: Рост. Гос. экон.Унив., 2001. 11 с.

хамкорлигида намоён бўлади. Диссертант фикрича, Ғарбий Европа ёшлари дунёқарашига юнон фалсафаси, санъати, маданияти таъсирининг кучайиши натижасида католицизм устувор бўлган минтақаларда диний ақидавий ҳукмронлик сусайган. Юнон маданиятига қизиқиш секулярлашувнинг иккинчи - «диний ислоҳотлар» босқичининг шаклланишига асос бўлган. М. Лютер, У. Цвингли, Ж. Кальвин, Ф. Меланхтон, М. Буцер, Ф. Буллинггер, Т. Кранмер каби диний етакчилар католицизмнинг “инквизиция”, «индулигенция» каби қатъий қоидаларига нисбатан диний ислоҳотларни амалга оширишни талаб қилган. Натижада, протестантлик деб номланган янги диний йўналишнинг пайдо бўлиши диний дунёқарашнинг ўзгаришига, одамларнинг ўз қадрини ҳимоя қилишига олиб келган. Протестантлар диний ташкилотлар раҳбарларидан сиёсий ҳукмронликни дунёвий ҳокимиятга топширишни талаб этган. Муаллиф фикрича, айнан шу талаблар Ғарбий Европада черков мулкларини мусодара қилишга йўналган секуляризация жараёнининг дастлабки кўринишидир, шу боис, «секуляризация» тушунчаси черков ер мулкларини мусодара қилиш маъносини англатади. Диссертант, черков ерларининг диний ташкилотлар тасарруфидан чиқарилиши дастлабки секулярлашув жараёни эканлигини, 1618-1648 йилларда Рим католиклари ва Герман протестларининг 30 йиллик урушини якунлаш учун имзоланган «Вестфаль тинчлик сулҳи»да «секуляризация» тушунчаси биринчи марта расмий қўлланилганлигини, бу вазиятда секуляризация дин ва давлат ўртасидаги чегарани аниқ белгилаш маъносини англатишини асослаган.

Учинчи босқич – рационализм даври бўлиб, у XVII асрдаги Ғарбий Европада ривожланган маърифатпарварликнинг эътиқод эркинлиги, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид либерал гояларида намоён бўлади. Муаллиф фикрича, бу даврда инглиз, француз ва немис маърифатпарварлари диний мафкура таъсиридаги эски ижтимоий тузумнинг бидъатларига қарши курашган, табиий фанларнинг ривожланиши натижасида ақл имкониятларини қайта баҳолаган, эътиқод эса шубҳа омилига айланган.

Диссертацияда секулярлашув жараёнининг учинчи босқичида деизм диний-фалсафий гоясининг устуворлиги асосланган. Тадқиқотчининг фикрича, деизм тарафдорлари мўъжиза ва пайгамбарликни одамлар томонидан ўйлаб топилган тўқима диний мотивлар сифатида баҳолаган, дин ҳамма одамлар учун умумийдир, деган гояни илгари сурган. Бу гоя инсоннинг ирода эркинлиги ва диний эътиқоди бир-бири билан кесишмаслигига таянган. Муаллиф фикрича, секулярлашув жараёни учинчи босқичининг аҳамияти шундаки, унда, бир томондан, рационал билимга асосланган маърифатпарварлик, материализм ва атеизм ривожланган, бошқа томондан эътиқодга таянган рационал ёндашув шаклланган.

Диссертацияда секулярлашув жараёни даврнинг сиёсий тузуми таъсири XIX асрда давлат бошқарувини христианлик дини ақидаларидан озод этиш гоясида намоён бўлиши асосланган. Муаллиф фикрича, секуляризм атеистик

қарашларнинг ривожланишига таъсир этсада, улар ўзаро тақозоланмаган. Шу боис, атеизмни секуляризациянинг оқибати сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ эмас.

Демак, секуляризация жараёни жамият ҳаётида диннинг ўрни ва аҳамиятининг сусайиши билан боглик мураккаб ижтимоий жараён бўлиб, у жамиятда диний анъаналар устуворлигига таянган тартибнинг рационал меъёрларига асосланган дунёвийлик модели билан алмашинувни англатади.

Диссертацияда «динийлик» ва «дунёвийлик» тушунчаларининг ижтимоий фалсафий жиҳатлари, дунёвий жамиятда диний эркинликни таъминлаш бўйича қонунлар қабул қилинган бўлсада, ижтимоий амалиётда уларга тўлиқ риоя қилинмаганлигини диссертант “динийлик ва дунёвийлик” тушунчалари мазмунининг таҳлили асосида исботлаган. Муаллиф фикрича, XX асрнинг иккинчи ярмида «динийлик», «дунёвийлик» тушунчалари ижтимоий ҳаётнинг икки соҳасини ўзида намоён этувчи жараёнларни қамраб олсада, замонавий адабиётларда уларнинг илмий изоҳи етарлича асосланмаган. Хусусан, ўзбек, инглиз ва рус тилларидаги «Фалсафа» изоҳли лугатларида ҳам «динийлик» тушунчасининг таърифи берилмаган²³. Бирок, С.А.Кравченко, Е.Д. Руткевич, Н. Дарреннинг социология ва диншунослик доирасидаги изланишларида “динийлик” тушунчасининг таърифларига кўра, агар «дин» жамиятдаги ижтимоий институтларнинг ўзига хос тури, ижтимоий онгнинг шакли бўлса, «динийлик» алоҳида шахс, ижтимоий ва демографик гуруҳларнинг онги ва хулқида диний таъсирларнинг намоён бўлишини англатади. Муаллиф фикрича эса, «динийлик» субъектларнинг маданий-маиший ҳаёти, хулқ-атвори, қадриятли мўлжаллари, ўзаро муносабатлари ва жамиятдаги фаолият йўналишларида у ёки бу диний таълимот билан боглик панд-насихат, йўл-йўриқ ва кўрсатмаларга нисбатан барқарор йигиндисидир.

Диссертацияда С.Фарах, Т.Асад, Д.Байалиев, Г.Демидовнинг «дунёвийлик» тушунчасига оид қарашлари танқидий таҳлил этилган. Муаллиф фикрича, С.Фарах «дунёвийлик» тушунчасини маърифий рационализм тарихи билан боглаган. Т.Асад эса, бу тушунчаларнинг ўзаро чегараси қатъий белгиланмаганлиги, улар тарихий жараёнда шаклланганлиги

²³ Қаранг: Философия лугати / Хайруллаев М. масъул муҳаррирлиги остида. – Тошкент: «Ўзбекистон нашриёти», 1976. – Б. 640; Фалсафа қомусий лугат / Назаров Қ. ва бош. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2004. – Б. 491; Фалсафа қисқача изоҳли лугат / Абдуллаева М. ва бош. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 384; Фалсафа энциклопедик лугат / Абдуллаева М. масъул муҳаррирлиги остида. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2010. – Б. 344. Новая философская энциклопедия / Руководитель проекта Степин В.С. Трети том. – Москва: Мысл, 2010. – 696 с.; Всемирная энциклопедия философия / Глав. науч.ред. и сос. Грицианов А.А. – Москва: АСТ, Мн.: Харвест, – Современный литератор, 2001. – 1312 с.; Русская философия энциклопедия / Под общей редакцией М.А. Маслина. – М.: Алгоритм, 2007. – 736 с.; Stanford Encyclopedia of Philosophy / Ed. Edward N. Zalta. – Stanford: Stanford Press, 2007. – 6551 p.; Encyclopedia of philosophy / Ed. Donald M. Borchert. – 2nd ed. – New York: Thomson Gale, 2006. – Т.1 – 10. – 6200 p.; Edward C. Routledge Encyclopedia of Philosophy. – London: Routledge, 1998. – Т. 1 – 10. – 8680 p.

ва ҳозирги даврда такомиллашганини асослаган²⁴. Муаллиф Т.Асаднинг дунёвийлик ва динийликнинг ўзаро муносабати, улар макон ва замонда ижтимоий зарурат натижасидир, деган фикрига ижобий баҳо берган. Диссертант фикрича, Ғарбда шаклланган секуляризация жараёни Шарқдаги диний маданият ҳаётига таъсир этган. Буни у С.Хотамийнинг «Ислоҳ ҳудудларининг кенгайтиши билан мусулмон амалдорларининг ҳаёти янги шароитларга мослашди ва дунёвий ишлар билан банд бўлиши авж олди»²⁵, деган қараши билан исботлаган. Зеро, «дунёвий ишлар» том маънода секуляризацияни англатмаса-да, муайян ижтимоий гуруҳларнинг дин тарғиб қилмаган соҳаларга интилишини англатади. Бирок, аксарият мусулмон давлатларида том маънодаги дунёвийлашуви жараёни XX аср бошларида шаклланган бўлсада, ҳозирги даврда секуляризация таъсиридан мутлақ холи бўлган мусулмон давлат учрамайди.

Демак, дунёвийлик ва динийлик бир-бирига зид тушунчалар эмас, плюрализм инсон кадр-қимматини таъминлашга қаратилган дунёвийликнинг бош мезони сифатида унинг ҳуқуқлари ҳимояланишида намоён бўлади, уни ўз-ўзини эркин мустақил субъект сифатида англашида муҳим аҳамият касб этади.

«Секуляризация жараёнининг жаҳон динларига таъсир этувчи омиллар» деб номланган II бобда буддавийлик динидаги секуляризация ва уларнинг ижтимоий-маданият жараёндаги инъикоси, секуляризациянинг христианлик оқимларидаги ўрни ва ижтимоий макомининг ўзгаришига таъсири очиқ берилган. Муаллиф фикрича, буддавийлик турфа анъаналарга эга халқларнинг тарихи, маданияти ва қадриятлари билан узвий боғланган, мураккаб ва кўп қиррали жаҳон динларидан биридир. Муаллиф Е.А.Торчинованинг «Буддавийликни тушунмасдан, буюк Шарқ маданияти – ҳинд, хитой маданиятига буддавийлик руҳи сингиб кетган тибет ва моғул анъаналарини англаб бўлмайди»²⁶, деган фикрига қўшилган, ўз ёндашувини қуйидаги далиллар билан асослаган. Дарҳақиқат, ЮНЕСКОнинг 1956 йилдаги Буддавийлик динининг 2500 йиллигини нишонлаш муносабати билан аниқлаган маълумотларга кўра²⁷, бу дин Осиё, Тува ва Бурятиядан Шри-Ланкагача, Қалмоғистондан Япониягача улкан ҳудудларга тарқалган. XIX асрда унга эътиқод қилувчилар Европа ва Америка қитъаларида ҳам аниқланган. Ҳозирги даврда буддавийлик дини Бутан, Камбоджа, Таиландда расмий давлат дини ҳисобланади. Шри-Ланка Конституцияси 9-моддасида буддавийликнинг «Сасана» йўналишига эътиқод қилувчиларга гамхўрлик

²⁴ Asad T. Formation of the secular: Christianity, islam, modernity. – California: Stanford University Press, 2003. 25 p.

²⁵ Хотамий С. М. Ислоҳ тафаккури тарихидан. –Тошкент: Минхож, 2003. – Б. 59.

²⁶ Торчинов Е.А. Лекция 1. Предпосылки возникновения буддизма // Введение в буддологию: курс лекций. Санкт-Петербург : Санкт-Петербургское философское общество, 2000. <http://anthropology.ru/ru/text/torchinov-ea/lekciya-1-predposylki-vozniknoveniya-buddizma#n1>

²⁷ Twenty-five centuries of Buddhist art and culture. <https://zh.unesco.org/courier/june-1956>

килиши белгиланган²⁸. Буддавийлик динининг асосий гоёси нима?, деган саволга муаллиф буддавийлик илоҳий ваҳий маҳсули эмас, балки Будданинг ўз руҳи ва барча нарсаларнинг ўзига хос медитацион кузатишлари натижасидир, деб жавоб берган. Шу боис, унинг таълимоти догматика эмас, балки ҳар бир инсоннинг эркин мушоҳадаси маҳсулидир.

Диссертацияда буддавийлик динининг ривожланиш босқичлари таҳлил этилган ва XIX аср охирида буддавийликда кескин бурилиш даври бошлангани Ғарб шарқшуносларининг «Модерн буддавийлик» ёки «Нео-буддавийлик» деб номланган янги йўналишлар фаолиятида намоён бўлиши исботланган²⁹. Дунёвийлик тамойилларига асосланган буддавийлик динидаги ўзгаришлар, нафақат психологик ёндашувлар, балки секуляр муносабатларни ҳам камраб олган. Муаллиф фикрича, модерн буддавийлик нафақат ҳаётдан рози бўлиш, балки инсоннинг коинот билан ўзаро алоқадорлигини тарғиб қилади. Модерн буддавийлик анъаналари – рационалик ва медитацияга асосланган буддавийликни қайта шакллантириш, унда жисм ва онгининг бирлигига оид тасаввур замонавий фан ютуқлари билан изоҳланади. Айнан шу жиҳат билан у анъанавий буддавийлик йўналишларидан фарқланади.

Диссертацияда секуляризациянинг христианлик оқимлари фаолиятидаги ўрни, жамият ҳаётида христианлик гоёлари ва амалиётининг устуворлигига барҳам берилганлиги, диннинг давлат ишларидан ажратилганлиги, христианлик йўналишларининг давлат ва жамият ҳаётининг янги стандартларига мослашиш жараёни асосланган.

Муаллиф фикрича, XX асрда инсоният таракқиётида янги давр, энг аввало, христиан динининг эркинлик, либерализм, плюрализм каби тамойилларга асосланишида намоён бўлди. Дарҳақиқат, христиан конфессияларининг замонавий стандартларга мувофиқлашиш жараёни, расмий динга муносабат ва ёндашув акс этган турли ҳужжатлар қабул қилинган³⁰. Уларда замонавий католицизмда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, католикларнинг эътиқоди ва сиёсий қарашларини ҳимоя қилиш, дунёда тинчлик фақатгина илоҳий ирода билан белгиланган тартиб ўрнатилсагина ўз тасдигини топиши мумкинлиги асосланган. Масалан, католицизм тарихида биринчи марта виждон эркинлигига ижодий ёндашилган, унда ҳар бир шахсни ҳурмат қилиш, яхши ном қозониш, ихтиёрий равишда ҳақиқатни излаш, эркин фикрлаш ҳуқуқи, шунингдек, санъат соҳасида фаолият юритиш, муайян ахлоқий меъёрлар ва умумий манфаатлар учун хизмат қилиш имкониятининг тан олинishi белгилаб қўйилган. Бироқ, унда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари диний қоидалар

²⁸ The constitution of the democratic socialist republic of Sri-Lanka. 1978. - Jayavardenenura-Kotte. 4 p. Access mode: [https://parliament.lk/files/pdf/constitution/1978Constitution WithoutAmendments.pdf](https://parliament.lk/files/pdf/constitution/1978Constitution%20WithoutAmendments.pdf).

²⁹ David L. McMahan. The Making of Buddhist Modernism. – Oxfordshire: Oxford University Press, 2008. 7 p.

³⁰ Қаранг: 1901 йил Лев XIII “Graves de Communi Re” (жамият учун хавф уйғотувчи ходисалар ҳақида) “христиан демократияси” номи билан танилган энциклика қабул қилинди; 1963 йилда Папа Иоанн XXIII томонидан эълон қилинган “Pacem in Terris”³⁰ – , ердаги тинчлик маъносини англатувчи энциклика.

доирасида талқин этилиб, мустақил кадрият сифатида эътироф этилмаган. Шу боис, 1965 йилда католик черкови «Dignitatis Humanae» номли инсон кадр-қимматида доир кўшимча декларацияни қабул қилган. Унда «Шахс ўз виждони ва эътиқоди даражасида худо унга юклаган вазифаларга нечоғли дахлдор эканлигини ўзи белгилайди. Илоҳий ҳақиқат мажбурий эмас, уни инсон эркин қабул қилади. Фуқаролик жамияти шароитида диний эътиқод мажбурий амалга оширилиши мумкин эмас. Инсон виждон эркинлигига эга ва у ўз эътиқодига зид ҳаракат қилишга мажбур эмас»³¹, деб таъкидланган. Виждон эркинлигининг батафсил шарҳи ва мазмуни Папа Иоанн Павел II маърузаларида ҳам очиб берилган.

Диссертацияда эътиқод қилувчиларнинг умумий сони 800 миллион 640 минг нафарни ташкил этган протестантлик³² диний йўналишига секулярлашув жараёнининг таъсири асосланган. Муаллиф фикрича, XVII асрда илк бор протестантлик католицизмга норозилик оқибатида вужудга келган йўналишларида либерализм, инсон эркинлиги, хусусан, эътиқод эркинлигини тан олувчи янги давр сиёсатида бевосита таъсир кўрсатган диний таълимот сифатида шаклланган. М.Лютер, Ж.Кальвин, Ф. Меланхтон каби протестантлик таълимоти асосчилари католицизмдаги христиан платончилиги ёки схоластика, христиан арастучилик мактабларига асосланмаган янги мазмундаги христиан диний анъаналари моделини таклиф этган. Ушбу моделнинг марказини эса Худо ва инсон муносабатларидаги шахс эътиқодининг даражаси ташкил этган.

XX асрнинг замонавий ижтимоий-сиёсий жараёнлари таъсирида протестантлик динининг катор йўналишларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига муносабат ўзгарган ва диний ҳужжатлар қабул қилинган³³. Уларда фуқаролик жамиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига оид қонунларнинг диний ва ҳуқуқий жиҳатлари инобатга олинган, бу эса, унинг давлат бошқаруви стандартларига мослашаётганлиги, черковнинг дунёвий жамият қонунлари билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини намоён этади.

Диссертацияда инсон ҳуқуқларининг православлик дини томонидан танқид қилиниши, православлик йўналишида секулярлашув жараёни

³¹ Қаранг: declaration on Religious freedom “Dignitas humanae” on the right of the person and of communities to social and civil freedom in matters religious promulgated by his holiness Pope Paul VI. https://w2.vatican.va/archive/hist_councils/ii_vatican_council/documents/vat-ii_decl_19651207_dignitatis-humanae_en.html

³² “Pew Research Center” эълон қилган маълумотга кўра, протестантлар дунё аҳолисининг 11,6 %, христианлар 37 % ни ташкил этади.

³³ Жумладан, пресвитериан йўналишининг «1967 йилдаги иқронома» (The Confession of 1967) мавзусидаги конференциясида глобал муаммоларни ҳал этишда черков иштирокига оид аниқ таклифлар, шунингдек, барча динларга нисбатан очиклик ва ҳурмат руҳида муносабатни шакллантиришга оид резолюция қабул қилинди. Бу дунё мамлакатларида турли динларга мансуб аҳолининг ўзаро ҳамкорлиги ва бирдамлигини ташкил этиш йўлидаги дадил қадам бўлди. 1974 йилда Лозанна шаҳрида ўтказилган халқаро конгрессда «Лозанна аҳдномаси» (The Lausanne Covenant) қабул қилинди. Унинг 13-бандида виждон эркинлигини ҳимоялаш ва динларни тарқатишга тўсқинлик қилмасликка даъват этилиб, У худонинг иродаси ҳамда инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»га мувофиқ», деб таъкидланган.

нисбатан кеч бошланганлиги асосланган. Зеро, ҳозирги даврда православлик конфессияси 300 миллион кишини бирлаштиради³⁴, асосан, Грециядаги Эллада православ черкови ва Арманистонда Шарқий православликнинг мустақил тармоги ҳисобланган Арман апостол черкови расмий мақомга эга.

Муаллиф фикрича, XX асрнинг иккинчи ярмида секулярлашув оқибатида православлик динида зиддиятлар пайдо бўлган. Бу дунёвий давлат стандартлари амал қилаётган жамиятда ва православлик йўналишининг янги шароитларга мослашиш жараёнида ўз эътиқодини сақлашга эҳтиёж кучайганида намоён бўлган. Масалан, 2000 йилда қабул қилинган «Рус Православ черкови ижтимоий концепцияси»³⁵да Москва патриархлигининг давлат бошқаруви ва фуқаролик жамиятига оид расмий муносабати акс этган. Концепцияда черков доимо инсонларни Ер юзидаги ўзлари яшайдиган ватанлари қонунларига итоаткор фуқаро бўлишга, қонун мукамал ёки саёз бўлишидан қатъи назар унга бўйсунушга даъват этилган. Тадқиқотчи фикрича, секуляризация динни жамият ҳаётидан бутунлай йўқотиш эмас, аксинча, унинг барча соҳаларга таъсирини тартибга солиш жараёнидир, дунёда умум эътироф этилган ягона дунёвий ахлоқ меъёрлари бўлмаганлиги боис, бу соҳа доимо эркин мулоҳазалар майдони сифатида қолади.

Демак, секулярлашув жараёни христианлик оқимлари ижтимоий мақомининг ўзгариши давлат, шахс ва дин муносабатларини тартибга солишга таъсир этади. Христианлик йўналишлари давлат бошқаруви меъёрларига ўз таълимот доирасида муносабат билдиради.

